

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ НАЗАРИЯСИ, АМАЛИЁТИ ВА
ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

Қаршибоева Висоланинг

ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
мавзуидаги

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШИ

Илмий раҳбар: фил. ф. н., доцент А. Нурматов

ТОШКЕНТ-2010

**Телевидениенинг жамоатчилик фикрини
шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти
(АҚШ телевидениеси мисолида)**

РЕЖА:

Кириш

I боб. АҚШ телевидениесига умумий тавсиф

1.1. АҚШ телевидениесининг тарихий тараққиёт босқичлари

1.2. АҚШ телевидениесида замонавий тенденциялар

**II боб. АҚШ телевидениеси жамоатчилик фикрини
бошқариш омили сифатида**

2.1 Телевидение ижтимоий- сиёсий жараёнларни бошқарувчи
восита сифатида

2.2. Сунъий йўлдош ва кабелли телевидение тараққиёти

2.3. АҚШ телеканалларида ихтисослашув

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

Телевидение АҚШ ОАВ орасида етакчи ўринга эга. Дунёдаги энг улкан телетармоқлар айнан Америкада жойлашган. Бугун улар ўз дастурлари билан фақат мамлакат ичидаги телеканалларнигина эмас, балки Шарқий ва Ғарбий Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги каналларни ҳам таъминлаб турибди. Ушбу теледастурларнинг аксариятида америкача ҳаёт тарзи ҳамда оммавий маданият стереотиплари тарғиб қилинади¹.

АҚШ телевидениеси ушбу мамлакатни дунёга танитишда бирламчи восита вазифасини бажарди, десак хато бўлмайди. Айнан телевидениенинг катта таъсир этувчи кучи орқали “эркинлик” ҳомийси ўз маданиятини дунёга ёйиш ҳамда одамлар тасаввурида янги тушунчаларни шакллантиришга эриша олди. Қолаверса, ўз кўрсатувларини дунёнинг барча ҳудудларига ёйиш, ахборот агентликлари орқали тарқатиладиган ахборот қўлами, кино ва мусиқа саноатидаги ютуқлар нуқтаи назаридан АҚШга тенг келадиган мамлакатнинг ўзи йўқ.

АҚШ телеканаллари ва улар орқали эфирга узатиладиган дастурлар кўплаб бошқа мамлакатларнинг телевидениеси учун андоза вазифасини бажарди. Бизга яхши таниш бўлган информацион-таҳлилий кўрсатувлар, шоу (ўзбекча айтганда, томошабоп кўрсатув) йўналишидаги турли кўнгилочар дастурлар дастлаб АҚШда пайдо бўлган.

Бугунги кунда АҚШ телевидениеси чинакам “виртуал олам”га айланди. Француз файласуфи, телевидение соҳасидаги етук мутахассис Жан Бодрийарнинг сўзлари билан айтганда, инсонлар симулякр, яъни, сунъий равишда яратилган дунёда яшаш ва реал ҳаётдан узоқлашиш жараёнини бошдан кечирмоқда.

¹ Энтони Гидденс. Социология. «Шарқ», Тошкент, 2002

Яна бир америкалик олим Винтерхоф замонавий телевидение ҳақида шундай дейди:

- Ҳар бир америкалик бола телевизор орқали бир кунда 20та зўравонликнинг гувоҳига айланади. Бир йилда телевидение орқали узатиладиган зўравонликларнинг сони 7 мингтани, бола 20 ёшга етган муддатга бориб эса 80 мингтани ташкил этади. Хулосалар шуни кўрсатадики, телевидениеда воқеа сюжетининг вақти қисқариб, зўравонлик ва қонхўрликларни намоиш этиш тенденцияси эса кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Бутун Ер сайёраси аҳолисида Америка теледастурларини томоша қилиш эҳтиёжи мавжуд. Бунга кўрсатувларнинг юқори техник сифати, уларни айнан бир томошабин диди ва истакларига мос равишда тайёрлаш учун махсус психологлар гуруҳининг саъй-ҳаракатлари сабаб бўлган.

АҚШ ўз телевизион маҳсулотлари (бу дегани, маданияти ва одоб-ахлоқ меъёрларини ҳам) жаҳоннинг турли мамлакатларига экспорт қилади. Лотин Америкаси мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу минтақа ҳар йили АҚШдан 150 мингга яқин кўрсатув ва фильмларни сотиб олади. Ушбу кўрсаткич миллий дастурларнинг 40-90 фоизини ташкил этади.

I боб. АҚШ телевидениесига умумий тавсиф

1.1. АҚШ телевидениесининг тарихий тараққиёт босқичлари

Америка телевидениеси дастлаб пайдо бўлишида Америка радиосининг тижорий имкониятларига суянган эди Бугунги кунда АҚШ телевидениеси бир қанча соҳалар (воқеабанд ахборот, маданиятга оид ҳамда кўнгилочар дастурларни тайёрлаш ва узатиш)да биринчи ўринни эгаллаб олган.

АҚШ телевидениеси Иккинчи жаҳон урушидан биров аввалроқ ривожланиш босқичига ўтди. 1939 йилда Radio Corporation of America (RCA) Алоқа бўйича АҚШ федерал комиссиясини 13 та телевизион канал учун тармоқдан жой ажратишга мажбур қилади².

Рус инженери Владимир Зворикин 1923 йилда Westinghouse компанияси лабораторияларида катодли-нурли трубка, замонавий ном билан айтганда, кинескоп билан ишлайдиган телевизорни намоиш қилди. Бу воқеа телевидение ривожланишида яна бир ўзига хос босқич вазифасини ўтади³.

1952 йилда, айнан Д. Эйзенхауэр ва Э. Стивенсон президентлик учун кураш олиб бораётган сайлов компанияси вақтида АҚШ телевидениесининг катта сиёсий куч эканлиги яққол намоён бўлди. 1952 йилда АҚШнинг ғарбий ва шарқий штатларини бирлаштирувчи кабел ўрнатилгач, теледастурларни Нью-Йоркдан Лос-Анжелесга узатиш имконияти пайдо бўлди.

1950-1960 йиллар Америка телевидениесининг олтин даври дея талқин этилади. Телевизор нархларининг кескин пасайиб бориши энди уларга фаровон ҳаёт белгиси деб эмас, балки уй-рўзгор буюми сифатида қаралишига сабаб бўлди.

1952 йилда Америка аҳолисининг 34 фоизида телевизор бўлган, 1955 йилга келиб, бу кўрсаткич 85 фоизга етди.

1960 йилларда Америкада росмана телевизион империя вужудга келди. 1962 йилда Аляскадан ташқари 98 фоиз аҳоли ҳеч бўлмаганда битта телестанция кўрсатувларини узлуксиз равишда кўриш имкониятига эга бўлди.

² Америка ҳукуматининг асослари. Тарж. Ҳ. Кароматов, USA Regional office. Vienna, 1998, 64-бет

³ <http://www.journalistika.ru>

АҚШ телевидениеси узок вақт давомида коммерция тизими асосида фаолият кўрсатди. Эфир телевидениесининг умуммиллий тармоқлари NBC, CBS, ABC, Fox – буларнинг барчаси хусусий бўлиб, уларнинг дастурлари томошабинларга текин тарқатилади.

Телевизион ихтисослашув радио ва кино имкониятларининг кесишуви асосида вужудга келган. Телевидение радионинг сигналини радиотўлқинлар орқали узок масофаларга узатиш имкониятидан фойдалана бошлади (бироқ, телевидение тасвирни тўғри чизиқ бўйлаб тарқалувчи метр ва дециметр ўлчовидаги тўлқинлар тарқатгани туфайли у масофаларни фақат ер устида жойлашган ретрансляцион чизиқлар ёки фазовий спутник алоқаси ёрдамида босиб ўтши мумкин). Бу сигнал бир вақтнинг ўзида ҳам товуш, ҳам видеоахборотни сақлайди ва бу ахборот дастур характериға қараб, телевизор экранида кинематографик ёки фото кадр, схема, графика каби кўринишда намоён бўлиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган учта умуммиллий канал бир неча ўн йилликлар давомида АҚШ телевидениеси саҳнасида ҳукмронлик қилди. Кейинчалик уларга рақобатдош сифатида минглаб кабелли телеканаллар ҳамда "Фокс" телетармоғи вужудга келди.

1.2. АҚШ телевидениесида замонавий тенденциялар

Америка телевидениеси - жанговар, томошабоп ва ўзгарувчан. У авваламбор реклама ҳисобидан кун кўради. Шунинг учун, янги кўрсатувлар доимий равишда вужудга келиб, томошабинларда қизиқиш уйғотган бўлишиға қарамасдан, улар молиявий имкониятларнинг етишмаслиги оқибатида тез орада йўқ бўлиб кетиш эҳтимоли жуда юқори.

Мамлакатда 10 мингга яқин тижорий радиостанция фаолият кўрсатади. Катта шаҳарларда улар аудиториянинг маълум бир қисми учун хизмат қилишга ихтисослашган. Одамлар қандай дидга эга бўлиши, қайси тилда гапириши ёки ҳаётий дунёқарашидан қатъий назар, Америка каналлари орасида ўзини қизиқтирган дастурни топа олиши аниқ.

Телетармоқ ва каналлар АҚШ ОАВнинг иккинчи катта тизимини ташкил этади.

CNN - Си-эн-эн – биринчи бўлиб деярли реал вақт режимида янгиликларни 24 соат давомида узлуксиз равишда узата бошлаган халқаро спутник канали.

MTV - Эм-ти-ви – етакчи музикавий телеканал.

HBO - Эйч-би-о ("Хоум бокс офис") – пулли телетармоқ. Биринчилардан бўлиб Америка телевидениесидаги энг омадди ва кенг аудиторияга эга бўлган кўрсатувларни ишлаб чиққан.

PBS - Пи-би-эс (Узатишнинг жамоатчилик хизмати) – 350га яқин нодавлат ва хусусий каналларга хизмат кўрсатувчи жамоатчилик телекомпанияси⁴.

Америка тажрибасида телевизион ёки “ҳаводаги узатиш”нинг учта асосий тури мавжуд. Булар:

- радиотўлқинлар орқали (ушбу йўл билан тарқатилган ахборотни ҳар ким қабул қилиш имкониятига эга);
- кабелли ТВ;
- Сунъий йўлдош орқали узатиш.

⁴ McNeill Robert. "The manipulative machine", New York, 1968, 55-бет

Ҳар бир ахборот узатиш тўлқинини қабул қилиш учун томошабинлардан обуна талаб этилади. Маҳаллий каналлар ҳаво тўлқинлари орқали фақат айрим чегараланган ҳудудларга тарқатилади.

Америка унитар тарзда марказлашмаган, бозор асосида фаолият кўрсатувчи телевизион тизимга эга. Кўплаб бошқа мамлакатлардан фарқли равишда АҚШда хизматларни тартибга солиб турувчи ягона умуммиллий телерадиокомпания йўқ. Маҳаллий медиабозорлар маҳаллий станцияларга эга бўлиб, улар бирор йирик телевизион тармоқ таркибига бириктириб олиниши мумкин. Бир нечта станцияларга эга бўлган кичик бозорларни ҳисобга олмаганда, бирлашиш ҳақидаги шартномалар эксклюзив характерга эга. Масалан, агар станция NBC томонидан ўз таркибига олинган бўлса, у ABC, CBS ёки бошқа тармоқларнинг дастурларини узатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ҳозирги кунда кўплаб станциялар фақат маҳаллий, бир ҳудуд доирасидаги янгиликларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

АҚШда учта асосий телетармоқ мавжуд: Миллий телерадиокомпания (NBC), Колумбия телерадиокомпанияси (CBS) – ҳар иккала тармоқ ҳам АҚШдаги телевидение фаолиятининг дастлабки кунларида радиотўлқинли узатиш тармоғи сифатида иш бошлаган ҳамда Америка телерадиокомпанияси (ABC) 1943 йилда NBCдан ажралиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини бошлаган. 2009 йилгача, аниқроғи, узатиш рақамли телевидение орқали амалга ошгунга қадар барча дастурлар VHF форматида узатилган.

Ҳамма телеканаллар деярли бир хил “кун таритиби”га эга. Яъни, ҳар кунни маҳаллий янгиликларни узатиш билан бошлаш, шунингдек, тармоқнинг янгиликлар, об-ҳаво, интервью ва мусиқадан иборат

анаъанавий тонгги дастури (NBC's Today)ни бериш. Умумий характерга эга бўлган ва аудитория хиҳатидан у қадар ихтисослашмаган кўрсатувлар, айниқса, Опра Winfrey (Опра Уинфри) дастурига ўхшаш ток-шоулар куннинг иккинчи ярмидан бошлаб узатилади. Кун ботиши вақтига яқин яна маҳаллий янгиликлар блоки берилади. Кечки вақт билан соат 18:30да миллий тармоқ янгиликлари узатилади.

Прайм-тайм (prime-time) вақти яъни аҳолининг катта қисми телевизор қаршисида ўтирадиган 3 соат, яъни 19 дан 22 гача бўлган вақт давомида, асосан, бутун оила билан кўришга мўлжалланган комедия жанрига оид фильмлар ёки кўнгилочар дастурлар узатилмоқда. Мисол сифатида, ҳозирги пайтда айна машҳурлик чўққисига кўтарилган “Юлдузлар билан рақс” дастурини айтиш мумкин. Кечки дастурлар сериал ва кинолардан иборат бўлади. Соат 22 ёки 23да яна маҳаллий янгиликлар, сўнгра Дэвид Лэтгерманнинг тунги дастури ёки Конан Обрайэннинг тунги интервью дастурлари узатилади⁵.

II боб. АҚШ телевидениеси жамоатчилик фикрини

бошқариш омили сифатида

2.1. Телевидение ижтимоий - сиёсий жараёнларни бошқарувчи восита сифатида

Америкалик ОАВ тадқиқотчиси Р.Макнейлнинг 1968 йили эълон қилинган «Халқни бошқариш машинаси» китобида шундай гаплар ёзилган: “Телевидение жамиятнинг сиёсий онгини шакллантиришда шу қадар катта натижаларга эришдики, Республикамиз пайдо бўлганидан буён бунақа ҳодиса ҳали кузатилмаган эди. Телевидениенинг кенг

⁵ Smith Antony. How Western Culture Dominates the World. Oxford, 1981, 17-бет

ёйилишига қадар ҳеч нарса оммани ишонтириш техникасини бу қадар мукаммал эгалламаган эди”⁶.

Гап фақат телевидениеда эмас, унинг онгни бошқариш йўлида мураккаб доктриналарни қўллаш техникасининг асосий воситасига айланиб қолганлигида. Авваламбор, гап телевизион ва сиёсий реклама яратишнинг бутун бошли саноати ҳақида. Нима учун телевидение сиёсатда онга таъсир этиш борасида матбуот ва радиодан ҳам кучлироқ воситага айланди? Чунки, ҳали тўлиқ исботланмаган бўлса ҳам, телевидениенинг ҳақиқат ва ёлғон ўртасидаги фарқни ўчира олиш қобилияти мавжуд эканлиги аниқланди. Телеэкран орқали эълон қилинганда, ҳатто ошкора ёлғон ҳам томошабинда хавотир уйғотмайди, унинг руҳий ҳимояси бу вақтда ўчган бўлади.

Ўтган асрнинг 60 йилларида дунё экранларини ўргимчак тўри каби эгаллаб олган америка фильмлари инсонларни муаммоларга қўл силташ, ҳаётдан завқ олиб яшаш, ўзидан бошқасини ўйламаслик каби тамойиллар асосида тарбиялайди. Одамлар кўз ўнгида Американи дарёларида сув эмас, сут ва асал оқувчи жаннат сифатида намоён қилади. Бутун сайёра аҳолиси америкача эркин ва фаровон ҳаёт тарзини орзу қила бошлади, америкаликлар эса, салкам идеал даражасига чиққан эди. Ким билади, агар АҚШ телевидениеси омма онгини манипуляция қилиш ва ўз ғояларини ишонарли тарзда сингдириш борасида бунчалик илгарилаб кетмаганида, глобаллашув, оммавий маданият деган тушунчалар ҳам вужудга келмаган бўлармиди?

АҚШ телевидениеси эркинлик ва демократия тамойиллари асосида, гўёки объектив, ҳаққоний ахборотни етказувчи манба сифатида ном

⁶ McNeill Robert. “The manipulative machine”, New York, 1968, 44-бет

қозонди. Аммо, хулоса чиқаришга шошилмайлик. Америка матбуоти Буюк Британия матбуоти таъсирида шаклланиб, тараққий этган бўлса, телевидение борасида, АҚШ ўзининг мустақил концепциясини ишлаб чиқди. Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар катта минбарлар ва мажлис залларида эмас, айнан ТВ экранларида, омма олдида намоёнлик қилмоқда ҳал этилади. Табиийки, бунинг замирида ётган манфаатлар кўлами у қадар кичкина эмас.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари миллий телерадиокомпанияларни яратишда АҚШ телевидениеси андозаларидан фойдаланади. Бунинг сабаби оддий – улар аудиторияни осонгина жалб этиш хусусиятига эга. Бироқ, кўрсатув ва дастур тайёрлашда аҳолининг келиб чиқиши, дунёқараши ва албатта менталитетини ҳам кўзда тутиш лозим. АҚШда ишлаб чиқарилаётган сериал, мультфильм, реклама ва бошқа дастурларда эса юқорида санаб ўтилган хусусиятлардан кўра руҳий таъсир этишга кўпроқ аҳамият қаратилади. Шундай бўлса ҳам, Америка телевидениеси шу кунга қадар эришган ютуқларни эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Тезкорлик, табиийлик, халқчиллик, соддалик ва ихтисослашув борасида “Колумб очган ер” телевидениесига тенг келадигани йўқ. Америкада мазкур соҳанинг ривожланиши, бугунги куни ва истиқболларини таҳлил этиш орқали, дунё аудиторияси “истеъмол” қилаётган дастурлар ва умуман телевидениенинг айна пайтда жамият ҳаётида тутаётган ўрни, вазифалари ва келажаги тўғрисида ҳам маълум даражада хулосаларга эга бўлиш мумкин.

2.2. Сунъий йўлдош ва кабелли телевидение тараққиёти

Америкада телевидение ривожини босқичма-босқич амалга оширилди. 70 йилларда кабелли телевидениедан фойдаланиш кескин авж олиб кетди.

80 йилларнинг охиридан бўлса, коаксил кабель 10 барабар кўпроқ канал ва ахборотни узатиш имкониятига эга бўлган оптик-бирикмали кабел билан алмаштирилди. Фойдаланувчи биргина кабель орқали бир неча юзга яқин каналларни томоша қилиш имкониятига эга бўлди. 1992 йилда вужудга келган TCI (Telecommunication Incorporated) компанияси биринчилардан бўлиб 500 каналдан иборат сигналнинг рақамли кодировкасига асосланган кабель тизимини яратишга киришди. Кабелли телевидениенинг АҚШ медиабозорини эгаллашида кутилган натижаларга эришилмаган бўлса ҳам, компания бугунги кунда йирик кабел ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан бири ҳисобланади.

«Юпитер коммуникэйшнз» («Jupiter Communications») ташкилоти берган маълумотларга кўра, бугун 95.267005та уйда кабелли тизимлар ўрнатилган бўлиб, бу бутун мамлакатдаги уйларнинг 94 фоизи, дегани. «Бродкастинг энд Кэйбл» («Broadcasting&Cable») журналининг хабар беришича, кабелли тизимлар 67 миллион уйни қамраб олган, ва шуларнинг 60 фоизида кабелли тизим 54та канални қабул қила олиш даражасида мукаммал ҳолатга келтирилган.

Иккинчи жаҳон уруши АҚШ ОАВни умуман маълум бир тизимга, йўналишга солди, десак хато бўлмайди. Телевидение соҳаси эса ривожланиш йўлида катта бир инқилобни бошдан кечирди⁷.

Вашингтондан Филадельфияга биринчи кўрсатув (Президент Гардинг портрети) узатиш жараёни 1921 йилда амалга оширилган. Радиотўлқинлар орқали биринчи жонли тасвирнинг берилиши 1925 йилда содир бўлди. 1931 йилда экспериментал телевизион станциялар пайдо бўлди. 1939 йилда Америкада оммавий равишда экрани 9 дюймли

⁷ <http://www.wikipedia.org>

ўлчамга эга бўлган телеузатгичлар ишлаб чиқарила бошланди. Худди ўша йили Нью-Йоркда яшовчи минглаб телевизион аппарат эгалари Бутунжаҳон кўргазмасини экран орқали томоша қилиш имкониятига эга бўлди. Шуниси эътиборга лойиқки, 1941 йилнинг ўзидаёқ Миллий радиокорпорация таркибига кирувчи Нью-Йорк телестанцияси тижорий реклама бериш хизматини йўлга қўйди.

Америка телевидениеси тарихидаги иккинчи муҳим босқич 1945 йил билан боғлиқ. Бир йилдан кейин Америка ҳудудида 6400га яқин телевизор сотилади. 1948 йилда эса бутун АҚШда 1 млн. телевизор бўлган ва 60та телестанция фаолият юритган. Яна бир йилдан кейин уларнинг сони икки баравар кўпайди, 1950 йилга келиб, 6 млн.дан ошиб кетди. Бу вақтда мамлакатнинг 64та шаҳрида 106та телестанция аҳоли учун кўрсатув тайёрлаш билан шуғулланар, яна 300 нафар тадбиркор эса Алоқа бўйича федерал комиссиянинг янги телевизион ташкилотлар очиш учун лицензия беришини кутаётган эди.

Илк телерадиокомпания NBC ўз фаолиятини (Нэйшнл Брокастинг Кампани – Миллий телерадиомпания) 1926 йилда Radio Corporation of America (Рэдио Корпорейшн оф Америка) корпорациясининг турдош ташкилоти сифатида бошлайди. Унинг тизимидаги дастлабки кўрсатувлар 1931 йилдан эфир юзини кўра бошлади. Дастурларни узлуксиз тарзда эфир орқали бериб бориш эса 1939-1941 йиллардан бошланди. ТРК иш фаолиятининг ташкил этилишига келадиган бўлсак, унинг асосий таркибий қисмлари сифатида NBC TV ва NBC Entertainment (Кўнгилочар дастурлар) телетармоғи – дастурлар ва реклама тайёрлаш билан шуғулланувчи бўлим, NBC Radio – радиотармоқ ва хусусий радиостанцияларга эга бўлган бўлим, NBC Sport ва NBC News –

корпорациянинг радио ҳамда телетармоғига хизмат кўрсатувчи бўлимларини санаб ўтиш мумкин. NBC шунингдек, “NBC Magazine” деб номланган тележурналга ҳам эга.

NBC телевизион технологиялар қўллаш ва дастур сиёсати нуқтаи назаридан етакчи тармоқ ҳисобланади. 1940 йилда у биринчи бўлиб доимий телетармоққа асос солди. Биричи бўлиб тонгги ва кечки янгиликлар дастурини йўлга қўйди (Today), биринчи бўлиб телефильм жанрини яратди (1953). 1995 йилда ўзининг Интернет версиясини ташкил этди.

Бугунги кунда “Today” дастури бир йил давомида компания “чўнтаги”га 300 млн. доллар миқдорида даромад келтиради. 1990 йилларда машҳур ва оммабоп дастурларни узатишга катта эътибор қаратган NBC америкаликлар орасида катта шухрат қозонди. Янгиликлар бошловчиси Том Брокау (62 ёш) тармоқнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланиб қолган⁸.

CBS (Колмабия Бродкастинг Систем – Коламбия телерадиотизими) 1927 йилда United Independent Broadcasters - Юнайтед индепендент бродкастерс (Бирлашган мустақил телерадиоузатувчилар) номи билан аталган радиоккомпания сифатида фаолиятини бошлади. Бир йилдан сўнг уни тамаки ишлаб чиқариш компанияси бошлиғи У. Пэйли сотиб олди ва CBS деб номланди. Пэйли компаниядан кетгач, аниқроғи, 1985 йилда тармоқнинг мулкчилик тизимида бир қанча радикал ўзгаришлар содир бўлди. 1995 йилда

CBS 5,4 млрд. долларга Westinghouse Electric ташкилоти томонидан сотиб олинди. Айни пайтда Viacom корпорациясига тегишли.

⁸ Сиберт Ф.С., Питерсон Т., Шрамм У. Четыре теории прессы. -М.: 1998, 14-бет

CBS телетармоғининг ўзига хос хусусияти сифатида унинг анъанавий тарзда кўрсатувларнинг сифатли чиқиши учун ҳаракат қилишини эътироф этиш лозим. 1995 йилда Л. Муньес келгач, каналнинг рейтингдаги ўринлари тобора юқорилашиб борди. Бугун унинг шуҳрати NBC билан деярли бир хил. NBCнинг биргина фарқли томони - у Олимпия ўйинларини тўғридан-тўғри трансляция қилиш ҳуқуқига эга. CSI деб номланган криминал драма ва “Ҳамма Раймондни яхши кўради” кинокомедияси келтирган шуҳрат туфайли сўнгги йилларда CBSнинг 18-49 ёш орасидаги томошабинлар аудиторияси кенгайиб кетди. Шунингдек, тармоқнинг машҳурлик пештахталаридан ўрин олишида киноя ва ҳазилни ўрнида қўллай оладиган, ҳатто давлат амалдорларини танқид қилишдан ҳам қўрқмайдиган Д. Леттерман ток-шоуси муҳим аҳамият касб этади.

Камчиликилар ҳақида гап кетганда, CBSнинг кечки янгиликлари (бошловчи - Д. Разер, 70 ёш)ни эътироф этиш керак. Унинг рейтинг кўрсаткичлари бошқа каналларникига қараганда анча паст.

CBS тармоғи ўз даромадларининг 80 фоизини реклама бериш орқали топади. Унинг таркибида Коламбия рикордз овоз ёзиш фирмалари, бир қатор киностудиялар, машҳур журналлар фаолият юритади. Шунингдек, океанлар табиий ресурсларидан фойдаланиш, нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш, компьютер техникасида ҳам ушбу йирик компаниянинг ўз улуши бор.

ABC – American Broadcasting Company (Америкэн Бродкастинг Кампани – Америка телерадиокомпанияси)га 1943 йилда асос солинган. 1952 йилда ушбу компания United Paramount Theatres билан бирлашиб, кейинчалик йирик телемагнатлар – Disney ва Warner Brothers билан

ҳамкорлик ўрнатиш учун ҳаракат қила бошлаган. 1960 йилда телетармоқ ҳозирги ном билан аталиб, доимий кўрсатувлар узатиш босқичига ўтди. ABCнинг омади 1955-1961 йилларда, у эфир орқали Уолт Дисней фильмлари ва Голливуд киностудиялари маҳсулотларини узата бошлагач юришиб кетди.

1986 йилда телетармоқ Capital Cities Communications таркибига ўтди. 1995 йилдан то бугунги кунга қадар ABC Walt Disney Corporationга тегишли тармоқ сифатида ўз фаолиятини юритиб келмоқда.

Америка кўрсатувлари тарихида илк бор ABC реклама берувчилар учун очиқ бўлган дастурларни узатиш усулини қўлади ва кейинчалик у ҳомийларнинг ёрдамисиз ҳам фаолият юрита бошлади.

Спорт дастурларининг узлуксиз бериб борилиши компания аудиториясининг кенгайтиришда яхши натижа берди.

ABC корпорацияси тизимида: телетармоқ, 5та телестанция, 4та хизмат кўрсатиш тармоғи ва 14 радиостанцияга эга бўлган ABC Radio, чакана савдо асосидаги тармоқ магазинларга эга бўлган видеоёзиш компанияси, қишлоқ хўжалигига оид журналлар чиқаришга ихтисослашган нашриёт ва киностудия ҳамда 266та кинотеатр киради. Машҳур телебошловчилар Опра Уинфри (АҚШдаги энг қиммат кундузги ток-шоу. 2000 йилда унинг даромади 150 млн. долларни ташкил этган.) ва П. Женнингз (кечки яниликлар, 64 ёш) туфайли аудитория орасида машҳурликка эришди.

Fox. Paramount компанияси ва унинг бошқарувчиси Б. Диллер 1977 йилда умуммиллий телевидениенинг тўртинчи тармоғини яратиш ғоясини илгари сурди. Лекин унинг режаси фақат 1985 йилда амалга ошди. Ўша пайтдаги 20th Century Fox эгаси Б. Диллер тармоқ яратиш учун

зарур маблағ ва шарт-шароит билан таъминлашга қодир шахс, News International директори Р. Мэрдок билан шартнома имзолади. 1987 йилда Fox ҳали тармоқлар билан ҳамкорлик ўрнатишга улгурмаган мустақил станцияларни ҳамкорликка ундай бошлади. Fox қўллаган тамойиллардаги иккита элемент унга томошабинлар қалбини забт этиш учун ёрдам берди. Биринчидан, каналнинг дастлабки дастурлари ёзги мавсумга тўғри келди ва бу бутунлай янги кўрсатувлар ёрдамида бошқа каналлардан устунлик қилиш имкониятини яратди. Иккинчидан, Fox ўз аудиторияси сифатида ўрта ёшдаги эркеклар – этник гуруҳ вакиллари танилади.

1993 йилга келиб Fox АҚШ ҳудудидаги 140га яқин станцияни ўз таркибига қўшиб олишга муваффақ бўлди. Анъанавий тармоқлардан фарқли равишда Fox ўз дастурларини қайта трансляция қилиш жараёнида кабель тармоқларидан фойдаланади. Бу эса аудиторияни кенгайтириш учун яхши имконият.

Бошқа тармоқлар билан рақобатда Foxнинг кучли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- дастурларнинг ёшлик ва ўсмирликка бағишланиши (“Беверли – Хиллз сериали”);
- аудиториянинг турли ёш сегментларига қаратилган дастурларда кутилмаган янгиликларни қўллаш (“Симпсонлар” мультсериалидаги ғайриоддий ҳодисалар ва “қора юмор”, “Оилали ва фарзандли”, “Жонли рангда” фильмларидаги вазиятларнинг ўзига хослиги)
- қора тили ва испан тилида сўзлашувчи аудитория қизиқишларига алоҳида эътибор билан ёндашиш.

Р. Мэрдокга тегишли ресурслардан фойдаланиб, Fox миллий баскетбол лигаси матчларини трансляция қилиш ҳуқуқини қўлга киритди ва шахсий дастурлари таркибини ҳам бирмунча бойитиб олди⁹.

Телевизион тарқатиш майдонининг йирик ўйинчилари бўлган телетармоқлар бир вақтнинг ўзида теледастурлар ишлаб чиқарувчи ташкилот вазифасини ҳам бажаради. Тармоқлар томонидан тайёрланган теледастурлар шахсий, бошқарилувчи ва бириктирилган станцияларнинг дастур сиёсати асосини ташкил этади. Америка тижорий телевидениесида тармоқ кўрсатувларининг етакчилик қилиши табиий, чунки барча станцияларнинг 75 фоизи у ёки бу тармоққа алоқадор.

Давлат тармоқлари тижорий компаниялар томонидан сиқиб чиқаришга қанчалик уринмасин, улар дастурларни узатишдан тўхтагани йўқ. Чунки, 1969 йилда асос солинган давлат жамоатчилиқ ТРК хизмати ўз “қарамоғига” 264 телестанцияни олган бўлиб, уларнинг фаолиятини назорат қилади. Унинг асосий вазифаси – таълимга оид дастурларни бериш. АҚШ нотижорий каналлари асосан, давлат бюджети, шунингдек, хусусий шахслар ва турли ташкилотларнинг ўз хоҳишига кўра ажратган маблағлари асосида молиялаштирилади¹⁰.

Телевидение иқтисодиёти асосида оммавий аудиторияга қаратилган реклама бирламчи ўрин касб этади. Шундай бўлса ҳам, тармоқлар медиа бозорда дастурлар ишлаб чиқариш ва сотиш, аудио ва видеокассеталар ишлаб чиқиш, ўз кўрсатувлари учун муаллифлик ҳуқуқларини сотиш

⁹ <http://www.wikipedia.org>

¹⁰ Монро Э. Прайс. «Масс-медиа и государственной суверенитет» Институт проблем инф-ного права М. 2004, 23-б.

каби бошқа тижорий амаллар билан ҳам шуғулланиш орқасидан ҳам даромад кўради¹¹.

Америка телеканаллари рекламани қабул қилиш ва истеъмолда қўллашга тайёр бўлган аудиторияни шакллантириш учун ҳаракат қилади. Шунинг учун, бугунги кунда АҚШ тармоқлари орқали узатилаётган аксарият дастурлар кўнгилочар характерга эга. Тармоқларнинг дастур яратиш сиёсати оммавий, умумий қизиқишларга эга бўлган аудитория эвазига даромад кўришни кўзда тутди.

2.3. АҚШ телеканалларида ихтисослашув

Америка телесаноатининг яна бир ўзига хослиги узатишнинг тармоқлашувидир. Бу таъмин Америка радиоси пайдо бўлган даврларнинг ўзидаёқ вужудга келган ва ТВ томонидан ҳам ўзлаштириб олинган.

Телевидение – жуда катта маблағ ва меҳнатни талаб этувчи, бутунлай техника имкониятларига қарам бўлган саноат тури бўлиб, замонавий теледастурлар яратиш жараёнини турли соҳа мутахассислари жалб этилган катта ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятига қийлаш мумкин. 1990 йилларнинг охирида прайм-тайм дастурлари учун бир соатлик кўрсатув тайёрлаш учун камида 1,5 млн. АҚШ доллари сарфланар эди. Юқори сифатга эга бўлган телефильм ёки кўрсатувлар эса бундан 10-20 баробар кўпроқ маблағ талаб этган.

Америка телеканаллари орасидаги аёвсиз рақобат уларнинг ҳар бирида ўзига хос бирор жиҳат бўлишини тақозо этади. Янгилик ва тезкорлик бўйича биринчи ўринда турувчи АҚШ телевидениеси

¹¹Энтони Гидденс. Социология. «Шарқ», Тошкент, 2002

аудитория истеъмоли даражасидаги, унинг эҳтиёжини қондира оладиган маҳсулотлар – кўнгилочар дастурлар ва сериаллар ишлаб чиқаришдан тўхтамаяпти. Бундай пайтда, телеканаллар учун медиа бозорда ўз маҳсулотларини қониқарли нархда сотиш ва омма муҳаббатини қозониш жуда қийин. Ягона йўл ихтисослашиш.

Иложи борича рақобатчилар камроқ бўлган аҳоли қатлами учун кўрсатув тайёрлаш. Бу борада АҚШ телеканаллари билан тенглашадигани йўқ.

Бугунги кунда деярли ҳамма канал аудиториянинг ёши, қизиқишлари, келиб чиқиши, машғулотларига кўра жуда катта доирадаги ихтисослашувдан тортиб, ўсмирларнинг турли гуруҳлари, боғдорчилик, замонавий аёллар кийимлари каби тор доирадаги ихтисослашувгача – барчасини қамраб олган. Америка журналистларининг турли минтақа ва ҳудудлардан репортажлар тайёрлаш маҳорати ва мана шу жараён доирасидаги минтақавий ихтисослашув ҳақида айтмасликнинг иложи йўқ.

CNN – Cable News Network. Мазкур канал ўз дастурларини 1980 йилнинг 1 июлидан узата бошлаган. Асосчиси Тед Тёрнер. Time Warner компаниясига тегишли. Интернетдаги веб-сайти: <http://cnn.com>

CNN Turner Broadcasting Systemнинг бир бўлими сифатида фаолият юритади. Дунёда биринчи бўлиб 24 соат давомида янгилик узатиш концепциясига асос солган. 2005 йилнинг 1 июнида компания ўзининг 25 йиллигини нишонлади. 14та кабель ва йўлдошли канал, 2та радиостанция, 6та интернет-сайт ва 36та хориждаги бўлимига эга.

CNN янгиликлари 38та космик йўлдош сигналлари ёрдамида дунёнинг турли ҳудудлари ва 212та мамлакатдаги 200 млн. уй

хўжаликларига узатилади. 1991 йилнинг январида Форс қўлтиғида бўлиб ўтган урушнинг телеэкран орқали тўғридан-тўғри трансляцияси ва таҳлили CNN канали тарихидаги ёрқин жиҳатлардан бири ҳисобланади.

Воқеа жойларидан олиб кўрсатилган телерепортажлар CNN мавқеининг халқаро янгиликларни 24 соат узлуксиз намоиш этувчи манба сифатида мустаҳкамланишига сабаб бўлди.

2001 йилнинг 11 сентябридан сўнг CNN бўлиб ўтган ҳодисаларни узатиш тезкорлиги бўйича биринчи ўриндаги янгиликлар хизматига айланди.

АҚШда қўлга киритилган биринчиликка қарамасдан, халқаро янгилик хизматлари орасида CNN BBCдан кейинги ўринда туради (BBC World аудиторияси 277,6 млн. уй хўжалигини ташкил этади).

АҚШ ҳудудида фаолият олиб борувчи янгиликларга ихтисослашган каналлар орасида CNNнинг рақобатдоши Fox News каналидир. CNN ўз дастурларини асосан Атланта шаҳри марказида жойлашган штаб-квартира ҳамда Вашингтон ва Нью-Йоркдаги студияларидан бериб боради.

CNNнинг Европадаги бош қароргоҳи Лондонда жойлашган.

АҚШдаги бўлимларининг жойлашуви:

Бостон Вашингтон, Даллас Детройт, Лос-Анжелес Майами, Янги Орлеан Нью-Йорк, Сан-Франциско, Сиэтл Чикаго.

Танқидчилар CNNни Ироқдаги операция ва бошқа ҳарбий низоларни ёритишда америкача қолипларни қўллаш ва миллий манфаатларга ҳаддан ташқари урғу беришда айблайди. Жанубий Осетиядаги уруш вақтида CNN ҳодисаларни бир тарафлама талқин

қилиб, Грузияни Россия таъқиби остида қолган мамлакат сифатида кўрсатгани ҳақидаги қарашлар ҳам йўқ эмас.

Showtime. 1976 йилнинг 1 июль санасида Калифорния штатининг Дублин шаҳрида ишга туширилган. Биринчи эфир “Celebration” дастури ҳамда Род Стюард, Пинк Флойд ва ABBA гуруҳининг концертини узатиш билан бошланган.

Showtime бокс ташкил этувчи ва эфирга узатувчи иккита йирик телеканалдан бири бўлиб, унинг рақиби – HBO канали.

Showtimенинг ижодий гуруҳи икки нафар шарҳловчи - Стив Альберт ва Жим Грейдан иборат. Очколарнинг норасмий ҳисоб-китоби билан 3 нафар журналист-ҳакам шуғулланади. Боксчилар тўқнашувининг ринганнонмери – Жимми Леннон. У ҳар бир дастурни “It’s Showtime!” (“Шоу вақти”!) дея бошлайди.

Канал Майк Тайсон, Константин Цзю, Сэмюэль Питер ва бошқа машҳур боксчилар билан ўзининг шахсий шартномаларига эга.

80 йиллар охирида Майк Тайсон ва HBO канали ўртасида шартнома имзоланган эди. Лекин боксчига Ларри Мерчант томонидан билдирилган танқидий нуқтаи назар ёқмади. У телеканал раҳбариятига “Ё мен ё Мерчант” деган шарт билан мурожаат қилди. Раҳбарият Мерчантни танлади. Тайсон HBOни тарк этиб, Showtimeга келди.

1990 йиллардан рингдаги яккама якка кураш Showtime SET пулли канали орқали трансляция қилина бошлади. 2000 йилларда Showtimенинг пулли версиясининг номи Showtime PPV – Pay Per View (Тўла ва томоша қил) деб ўзгартирилди.

Бошловчи боксчилар ўйинини Showtimенинг яна бир версияси ShoBox орқали томоша қилиши мумкин.

Showtime томонидан ташкил этилган энг машхур беллашувлар: Хосе Луис Кастильо – Диего Моралес, Эвандер Холифилд – Майк Тайсон, Рикки Хаттон – Костантин Цзю, Сэмюэл Питер – Жеймс Тони, Жо Кальзаге – Жефф Лейси.

Телеканал аудитория сафини кенгайтириш мақсадида турли қизиқарли турнирлар ва ўзига хос учрашувлар ташкил этади. 2009 йилда ташкил этилган энг зўр суперўрта вазнли боксёрлар турнири шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Showtime спортчилар ҳаётига оид телесериаллар ишлаб чиқариш орқали даромад кўради. Энг биринчи “Даҳшатлар устаси” сериали 2008 йилда эфир юзини кўрди. Шунингдек, “Қадрдонлар”, “Наша”, “Калифорния дайдисси”, “Ҳамшира Жеки”, “Тара Қўшма Штатлари”, “Тюдорлар”, “Худди мен каби жонсиз”, “Юлдузли дарвоза” ва б.

NBA TV. NBA TV АҚШнинг миллий баскетбол лигаси томонидан молиялаштирилади. Интернетдаги сайти www.nba.com/nba_tv

Ушбу канал тарихи 1999 йилнинг 17 мартда, nba.com порталидаги Интернет-телевидение сифатида бошланади. Канал студияси Нью-Жерси штатидаги Хадсон графлиги, Секаукус шаҳарчасида жойлашган эди. Лекин 2003 йил, 28 июньда канал раҳбарияти Cox Communications, Cablevision ва Time Warner телевизион компаниялари билан кўп йиллик келишув имзолади ва бу келишув канал аудиториясини дунёнинг 30та давлатидаги 45 млн. томошабин миқдорида кенгайтириш имкониятини берди.

Кирувчилар сонининг ҳаддан ташқари кўплиги сабабли бир неча марта издан чиққач, интернет-канал Time Warner тармоғидаги CNN/SI каналининг ўрнига фаолият юрита бошлади.

NBA TV канали орқали доимий равишда баскетбол янгиликлари, баскетболчиларнинг шахсий ҳаёти, NBA мавсуми давомида жамоалар тақдири ҳамда ўтмишнинг афсонавий ўйинлари тўғрисида ҳикоя қилувчи дастурлар ва албатта мавсумнинг энг муҳим ўйинлари трансляцияси намойиш этилади.

NBA TV тўғридан-тўғри трансляция қилиш ҳуқуқига эга эмас, шунинг учун канал орқали узатилиши керак бўлган ўйинлар намойиши жамоа раҳбари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Канал таркибида NBA access with Ahmad Rashid, Basketball international, FIBA World Basketball, NBA Action, NBA Gametime Life, NBA TV Fantasy Hoops, NBA TV Hardwood Classics/ Greatest Games, NBA TV News in Review, NBA Stories, NBA Vault, NBA 360, NBA Roundtable каби дастурларни томоша қилиш мумкин.

Disney Channel. 8-14 ёшдаги болалардан иборат аудиторияга ихтисослаштирилган мазкур канал 24 соат давомида 480i (SDTV) 720p (HDTV) ўлчамда АҚШ, Руминия ва Болгария ҳудудига трансляция қилинади.

Ўз дастурлари намойишини 1983 йил, 4 апрельдан бошлаган.

Walt Disney Company каналнинг 100% акцияларига эгалик қилади.

Disney Channelнинг аксарият дастурлари болалар учун мўлжалланган бўлса-да, сўнгги йилларда унинг сериал ва мультфильмлари билан ўсмирлар ва ҳатто ёш оила вакиллари ҳам қизиқа бошлагани маълум бўлди. Тармоқ Калифорния штатидаги Бербанк шаҳрида жойлашган.

Бундан ташқари, унинг веб-сайти ҳам мавжуд: DisneyChannel.com. 19 март, 2008 йилдан бошлаб, бу ерда, айнан интернет тармоғида спутник ва кабель орқали узатилаётган барча сериал ва мультфильмларни томоша қилиш имконияти бор.

Disney Channel канали томонидан ишлаб чиқарилган қуйидаги сериаллар болалар орасида алоҳида машҳурликка эга: “Лило ва Стич”, “Императорнинг янги мактаби”, “Лиззи Магуайер”, “Галактикалараро футбол”, “Жосуслар”, “Соннида имконият бор”, “Вэйверли плэйслик сеҳргарлар” ва б.

Disney Channelга “қариндош” каналлар сифатида Россия ва МДХ давлатларида намоиш этиладиган Jetix, Jetix-RU, Франция ва АҚШда намоиш этилувчи Fox Kids, Disney XD каби каналларни санаб ўтиш мумкин. Улар ҳам Walt Disney Companyга қарашли бўлиб, болалар аудиторияси учун мўлжалланган.

Nickelodeon. Nickelodeon (Николодеон) каналига 1977 йилда асос солинган. 1979 йилнинг 1 апрелидан АҚШнинг барча ҳудудларида намоиш этила бошлаган. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг деярли барча тилларида бутун дунё бўйлаб трансляция қилинади. Ўзбекистон, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия, Скандинавия, Марказий Европа, Лотин Америкаси, Россия, Индонезия шулар жумласидан.

Никелодеон канали томонидан ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилаётган мультсериаллар рўйхати: Spanch Bob Square Pants (1999 йилдан бутунги кунгача), Avatar: Аанг ҳақида афсона (2004-2007), Болалар улғайиб қолди (2003-2006), Дэнни Арвоҳ (2003-2007), Сеҳрли кучлар (2001-

2006, 2008 – ҳозирги кунгача), Жинжер айтганидек (2000-2003), Каппа Майки (2005) ва б.

90 йиллар мультсериаллари: Рен ва Стимпи шоуси (1991-1996), Рокконинг янги ҳаёти (1993-1996), Торберрининг ёввойи оиласи (1998-2003), Эй, Арнольд! (1996-2004).

Мактабгача ёшдаги болалар учун мультсериаллар:

Олға, Диего, олға! (2005-2008), Даша-Изтопар (2000-2009), Ғаройиб ҳайвонлар (2006-2008), Кичкина Билл (1999-2004), Пэпнинг чўчқачаси (2004-2008).

Nickelodeon каналининг болалар учун махсус мўлжалланган веб-портали мавжуд – Nick.com. У ерда мультфилмлардаги воқеаларнинг 500га яқин онлайн ўйинлари бор. Nick.com. ҳар йили қайта лойиҳалаштирилади. Бундан ташқари Nicktropolis сайти орқали болалар ўзлари севган мультфильм қаҳрамонлари билан чат орқали суҳбат қуриши мумкин.

Nick at Nite. Nick at Nite канали 1985 йилнинг 1 июлида ишга тушган. Дастлаб ҳафтада 7 кун 22:00дан 6:00гача классик йўналишдаги фильм ва дастурларни узатиб борган. MTV Networks таркибида фаолият юритади. Шиори “Бу оддий тун эмас, бу Nick at Nite!”.

Интернет-сайти: <http://www.nick.com/shows/specials/teenick>.

Бугун ўсмирлар учун дастур тайёрловчи Nick at Nite 1990 ва 2000 йиллар хитларини намоиш этиш билан чекланмоқда.

National Geographic Channel. National Geographic Channel (Nat Geo) АҚШ миллий географик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган илмий-оммабоп фильмларни узатиб боровчи канал. Худди Discovery сингари Nat

Гео ҳам илм-фан, табиат, маданият ва тарихга алоқадор бўлган ҳужжатли фильмлар саноати билан шуғулланади.

Мазкур канал кун давомида узлуксиз ишлайди. Ўз дастурларини 1997 йилнинг январь ойидан дастлаб фақат Европа мамлакатлари (ФРГдан ташқари) ва Австралия ҳудудида намойиш эта бошлаган. Европада NBC Europe, Осиёда эса NBC Asia каналлари орқали дастурлари трансляция қилинади. Акцияларининг 50 фоизи National Geographic Television & Film компаниясига тегишли. Қолган 50 фоиз акциялар эса News Corporation компаниясида.

Шиори: Think again (Ўйлаб кўринг).

Интернетдаги сайти: <http://www.nationalgeographic.ru>.

1998 йилда National Geographic каналини Осиёда, Star TV оператори тармоғида кўриш имконияти пайдо бўлди. 1998 йилда NBC Europe тармоғининг бўш частотасида ҳам ушбу канал фаолияти бошланди. 2001 йилнинг январ ойидан Nat Geo АҚШга трансляция қилинди. 2004 йил – Германияга трнасляция қилиш жараёни бошланди.

Бугунги кунда канални 143дан ортиқ мамалакатда ва 25дан ортиқ тилда томоша қилиш имконияти мавжуд. Nat Geo 160 млн.дан ортиқ хонадонда намойиш этилади. Канал томонидан ишлаб чиқарилган фильмлар 800га яқин соврин ва мукофотларга лойиқ деб топилган.

Channel HD - National Geographic Channel каналининг HD кўриниши. Канал ўз трансляциясини 2006 йилда 720p форматда бошлаган. Кейинчалик телеканал Full HD (1080p) форматига ўтказилган. АҚШ, Канада, Польша, Осиё-Тинч океани минтақаси, Чехия, Словакия, Руминия, Лотин Америкаси ва ФРГ аҳолисида канал дастурларини томоша қилиш имконияти мавжуд.

Nat Geo Music – мусиқа ва маданият тўғрисидаги ҳужжатли фильмларни трансляция қилувчи канал. Италия ва Португалия, шунингдек, 2010 йилнинг март ойидан Беларусьда узтилади. Тез кунларда ушбу каналнинг бошқа мамлакатларда ҳам намоиш этилишини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Nat Geo Junior – болалар аудиторияси учун мўлжалланган канал. Нидерландия, Бельгия, Ҳиндистон ва айрим Осиё мамлакатларида трансляция қилинади.

Nat Geo Adventure - ёшларга қаратилган канал. Унинг дастурлари Осиё-Тинч океани минтақасининг 40дан ортиқ мамлакатлари, Европа, Яқин Шарқ ва Австралияда намоиш этилади.

National Geographic Wild – асосий эътиборни ёввойи табиат ва унинг ўтмишига қаратувчи телеканал. Сингапур, Буюк Британия, Франция, Италия, Ирландия, Ҳиндистон, Туркия, Руминия, Россия, Венгрия, Лотин Америкаси, Австралия ва Беларусьда трансляция қилинади.

Syfy. Syfy (Дастлабки номи - Sci Fi Channel. Номи 2009 йилнинг 16 мартда ўзгартирилган) – 1992 йилнинг 24 сентябрь мсанасида ташкил этилган кабел тармоқли канал. Илмий-фантастик, паранормал ва horror (даҳшатли) дастурлар намоишига ихтисослашган. NBC Universal тармоғининг бир қисми ҳисобланади.

Канал номининг ўзгартирилиши унинг Sci Fi Channel деган атамада акс этган илмий-фантастик йўналиш талабларига деярли жавоб бермай қолганлиги билан изоҳланади.

VH1 (Video Hits One) – мусиқий телеканал. 1985 йил, январда Warner-Amex Satellite Entertainment компанияси томонидан ташкил этилган.

Ушбу канал асосан реалити-шоулар ва музикий дастурлар, 80-, 90-, 2000-йилларда машҳур бўлган, шунингдек, замонавий клип ва қўшиқларни бериб боради. Унинг аудиториясини асосан музика билан қизиқувчи 14-45 ораллиғидаги кишилар ташкил этади.

VH1 қуйидаги мавзулардаги ўзининг доимий реалити-шоуларига эга: “Американинг энг сарвқомат модели”, “Брук яхшироқ билади”, “Селебракадабра”, “Лекин улар куйлай оладими?”, “Юлдузлар фитнес клубда”, “Паранормал лойиҳа”, “Муҳаббат ғунчаси”, “Ҳақиқатга айланган фантазия” ва бошқалар.

MTV. MTV брэнди, “бутун Ер шари бўйлаб тарқалган энг машҳур музикий канал” деган таъриф билан ёнма-ён қўлланилади. Дунёдаги кўплаб телеканаллар лицензия асосида ушбу брэнддан фойдаланади. 1981 йил, 1 августда эфир юзини кўрган ушбу каналнинг тўлиқ номи Music Television (Музикий телеканал) деб юритилади.

Огайо штати, Колумбус шаҳрида маҳаллий кабел тармоғининг музикий каналини яратиш концепцияси 1978 йилдаёқ ўртага ташланган эди. дастлабки трнсляциялар фақат Нью-Жерси ҳудудида амалга оширилган.

Эфир орқали намоёниш этилган илк лойиҳа The Buggles гуруҳининг “Video Killed the Radio Star” (“Видео радио юлдузини ўлдирди”) деб номланган видеоклипи эди. Шундан кейин, каналнинг ишлари юришиб кетди – қисқа вақт ичида у икки миллионга яқин обуначига эга бўлди. Аммо бир вақтнинг ўзида MTVни ирқчиликда айблай бошлашди – дастлабки йилларда канал орқали фақат оқ танли санъаткорларнинг видеоклиплари намоёниш этилган. 1983 йилда Майкл Жексоннинг “Billie Jean” видеоклипи эфирда пайдо бўлиши билан вазият бутунлай ўзгарди.

Тез орада овоз ёзиш студиялари MTVнинг маркетинг воситаси сифатидаги катта кучига тан берди ва ҳар бир қўшиқ учун видеоклип ишлаш анъанаси кескин суръатларда тараққий этиб кетди.

1984 йилда каналда илк хит-парад “Top 20 Video Countdown” пайдо бўлди. Ўша йилнинг ўзида анъанавий равишда каналдаги энг машҳур клиплар ижрочиларини тақдирлаш маросими (MTV Video Music Awards)га асос солинди. 1985 йилда канал орқали илк бор ижтимоий реклама берилди.

1984 йилдан MTVнинг Европадаги филиали - MTV Europe ишга туширилди.

Дастлаб MTV фақат мусиқий видеоклиплар кетма-кетлигидан иборат бўлган бўлса, кейинчалик мавзуга доир дастурлар пайдо бўла бошлади. 120 Minutes, Yo! Raps! Ва бошқа кўрсатувлар шулар жумласидандир. 1993 йилда биринси мультипликацион сериал “Бивис ва Батхед” эфир юзини кўрди. 1990 йилларнинг охирида MTV сезиларли даражада ўз форматини ўзгартирди ва асосий эфир вақтини турли шоу, махсус сериал ва мусиқа оламидаги янгиликлар учун ажратди.

Хулоса

Юқорида тавсиф этилган каналларнинг барчасида бир жиҳатни кузатиш мумкин – оригиналлик. АҚШ телевидениесида ҳеч бир канал бошқасини такрорламайди. Журналистларнинг кўрсатув тайёрлаш маҳорати ҳам турлича. Айнан мана шу жиҳат туфайли америкаликлар ранг-баранг характер ва йўналишга эга бўлган дастурларни томоша қилиш имкониятига эга.

Юқорида каналларнинг турли минтақалардаги бўлимлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтдик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир

минтақада фаолият олиб бораётган канал ўша минтақа аҳолисининг қизиқишларини эътибордан четда қолдирмайди. Масалан, Россияда фаолият олиб борувчи АҚШ телеканаллари ҳатто ранг ва муסיқа компонентларини ҳам мазур давлат вакиллари билан келишган ҳолда жорий этганлиги маълум бўлди.

АҚШ телевидениеси тараққиёти қуйидаги омиллар асосида амалга ошганини кўриш мумкин:

- биринчидан, иқтисодий мустақиллик. Телеканалларнинг деярли барчаси йирик тармоқлар билан ҳамкорликда фаолият юритади ва ўз харажатларини реклама орқали қоплаб олади.
- иккинчидан, тезкор ва самарали узатиш усуллари. Бугунги кунда АҚШ бу борада ҳам жуда илгарилаб кетди.
- учинчидан, АҚШ дастурлари орасида халқчил ва оммабоп, кўнгилочар йўналишдаги кўрсатувларнинг кўплиги. АҚШ журналиятлари аудитория билан мулоқотга киришиш ва экран қаршисида ўтирган ҳар бир инсоннинг руҳиятини англашга ҳаракат қилади.
- тўртинчидан, кучли ихтисослашув. АҚШ журналистлари бирор соҳани мукаммал эгаллаб, ўша соҳа доирасида дастур тайёрлайди. Шунда улар аудиториянинг талаби ва истаклари ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлади. Ҳар бир канал ўз соҳаси бўйича ихтисослашган бир шароитда рақобатдан қўрмаган ҳолда фаолият юритиш мумкин. АҚШ телевидениеси ривожланиш босқичларида унинг ихтисослашув соҳасидаги ютуқлари жуда катта аҳамиятга эга бўлган ва бугунги кунда дунёнинг бошқа мамлакатлари ҳам бу масалада Америкадан ўрнак олса арзийди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. McNeill Robert. "The manipulative machine", New York, 1968
2. Smith Antony. How Western Culture Dominates the World. Oxford, 1981
3. Энтони Гидденс. Социология. «Шарқ», Тошкент, 2002
4. Харрис Дж. Психология массовых коммуникаций.- М.: 2001.
5. Монро Э. Прайс. «Масс-медиа и государственной суверенитет»
Институт проблем инф-ного права М. 2004.
6. Ярочкин В.И. "Информационная безопасность" М.2003.
7. Сиберт Ф.С., Питерсон Т., Шрамм У. Четыре теории прессы. -М.:
1998.
11. Рэндалл Д. Универсальный журналист. Алматы. 1997.
12. Америка ҳукуматининг асослари. Тарж. Ҳ. Кароматов, USA
Regional office. Vienna, 1998.
13. [http:// www.sciense.com](http://www.sciense.com)
14. <http://www.wikipedia.org>
15. <http://www.journalistika.ru>